ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

НАВОИЙ ИБРАТИ

Умид Негматович Ходжамқулов
Тошкент вилояти Чирчик Давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада буюк шоир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий шахсиятидаги ибратли жиҳатлар қайд этилган. Унда шоир ижодининг ўрганилиши, бугунги авлод учун ибрат бўладиган инсоний фазилатлари, унинг бутун дунёда салоҳиятига яраша шуҳратини таъминлаш бўйича адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: навоийшунослик тадрижи, “Хамса”, Фоний.

NAVOI'S PATTERN

Umid Negmatovich Khodjamkulov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article highlights the human qualities of the great poet Alisher Navoi. It examines the current challenges facing literary studies in the study of the poet's work, his human qualities, which will become an example for the current generation, ensuring his potential fame around the world.

Keywords: Study of Navoi's creativity, "Khamsa", Foniy.

КИРИШ

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти, унинг шахс сифатидаги сиймоси, инсон сифатидаги сийрати, беназир ижоди орадаги сал кам олти юз йиллик вақт билан ҳам замондошларимиз учун ибрат мактаби бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 19 октябрда қабул қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4865-сон қарори шоир асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, шунингдек, улуғ шоир ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш билан боғлиқ эзгу мақсадларга қаратилган. Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда. Биз ушбу мақоламизда буюк алломанинг замондошларимиз учун ибрат бўладиган фазилатларини келтиришни мақсад қилганмиз. Айни шу нуқтаи назардан мақолада муайян тизимлилик бўлмаслиги мумкин, аммо келтирилган барча маълумотлар АЛИШЕР НАВОИЙ деган БУЮК ШАХС сиймоси атрофида бирлашади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Алишер Навоий ижодининг ўрганилиш тарихи у яшаган даврга бориб тақалади. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларида унинг асарлари тилига луғат ишланиши навоийшунослик бўйича бажарилган илк тадқиқотлардан ҳисобланади. Умуман, навоийшуносликнинг тадрижий тараққиётини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар.
2. Замондошларининг асарларида келтирилган маълумотлар.
3. XVI-XIX асрлардаги тазкира, луғат, тарихий ва бадиий асарлар.
4. Навоий ижодининг илмий мезонлар асосида ўрганилиши.
5. Навоий ижодининг Ғарбда ўрганилиши.

Демак, Алишер Навоий ижоди беш юз йилдан ортиқ давр мобайнида ўрганилар экан, бу, аввало, мазкур ижоднинг кўлами ва сифати ҳақида муайян хулосалар чиқаришимизга имкон беради. Алишер Навоий ижоди адабиётшуносликдан ташқари тарих, тилшунослик, луғатшунослик, шеър санъати, исломшунослик ва тасаввуфшунослик каби фан соҳалари учун ҳам бой манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Адабиётшунослигимизда Алишер Навоий ижоди П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Рустамов, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Ш.Сирожиддинов, М.Муҳиддинов, Д.Салоҳий, К.Муллахўжаева, М.Ҳамидов каби олимлар томонидан ўрганилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

Хорижда эса Е.Э.Бертельс (Россия), Артолеме д'Ербело, Сильвестре де Саси (Франция), И.Н.Берёзин, В.В.Вельяминов, М.Никитский (Россия), М.Белен, Э.Блоше, Л.Бува (Франция), Э.Браун (Англия), В.Бартлоьд (Россия), А.Курелла (Германия), М.Сабтелни, В.Фельдман, Д.Генчтурк, Д.Девин, К.Адахл, Г.Дик (Англия) каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ушбу тадқиқотларнинг барчаси дунё ҳамжамиятида глобаллашув жараёнлари кузатилаётган ҳозирги даврда Алишер Навоий ижодини ҳар томонлама тадқиқ қилишга қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бораётганлигини кўрсатади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Алишер Навоий шахсиятида ибратли жиҳатлар кўп, биз шулардан айримларини туркумлаб келтиришга ва уларни асослашга ҳаракат қиламиз.

1. Навоийнинг шуҳрати. Шуни таъкидлаб айтиш керакки, дунё дунё бўлиб Алишер Навоийдек "кўп ва хўп" ижод қилган шоирни кўрмаган. Салмоқ нуқтаи назаридан ҳам, сифат нуқтаи назаридан ҳам Навоийнинг олдига тушадиган шоир дунё адабиётида мавжуд эмас. Биргина "Хамса" достони 54 минг (27 минг байт) мисрадан иборат. Навоий нафақат шоир, балки тарихчи, луғатшунос, тилшунос, адабиётшунос, исломшунос ва тасаввуфшунос олим ҳамдир. Навоий яратган барча асарларни бир киши ижод қилганига ақл ишонмайди, лекин бу ҳақиқат.

2. Алишер Навоий исмининг этимологияси. Ушбу жиҳат ҳам бизга буюк сиймонинг ибратли жиҳатлари ҳақида муайян хулосалар чиқаришимизга имкон беради. Маълумки, шоирнинг тўлиқ исми "Низомиддин Мир Алишер Навоий-Фоний"дир. Бу исмдаги ҳар бир сўз ўзининг шу шахс фаолияти, унинг сийрати ва тийнати билан боғлиқ муайян асосларга эга. Дастлаб **"Низомиддин"** сўзини олсак. Бу шоирга берилган нисбадир. Бу сўз диннинг низоми, қоидалари, арконлари, асоси деган маъноларни билдиради. Шоир исломшуносликдан чуқур хабардор бўлгани учун ҳам унга шундай нисба берилган. Демак, бу нисбада шоирнинг исломий тафаккури, маърифати ўз ифодасини топган. Шоирнинг замондоши муаррих Хондамир "Макорим-ул-аҳлоқ" китобида қуйидаги воқеани баён этади: *Алишер Навоий бандалик вазифасини адо этгач, жамоат билан суҳбатлашар, ҳол-аҳвол сўрар, бемор ва эҳтиёжмандларнинг кўнглини кўтарар эди. Нимагадир бир куни тарки одат қилиб, қаергадир шошилиб бориб келдилар. Бу ҳолга одатланмаган жамоа қизиқиб сўраганларида ҳазрат Навоий шундай изоҳ бердилар: "Икки елкамга*

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

салом берганда кўрдимки устимда бир чумоли турибди. Бу чумоли таҳорат олганим жойдан чиққанини билдим ва бир жонзотни ошиёнидан жудо қилмоқнинг гуноҳини, юкини ўйлаб уни ўз жойига қўйиб келдим". Ушбу тарих ҳам шоирнинг диний эътиқоди қай даражада мукаммал бўлганлигидан дарак беради. **"Мир"** сўзи мансаб эгаларига нисбатан уларнинг исмларига қўшиб айтиладиган нисба. Маъноси "амир" дегани. Дарҳақиқат, Навоий ўз даврининг катта амири эди. Катта лавозимларда ишлаган. Ўша даврда шоҳ Ҳусайн Бойқародан кейинги 2-рақамли нуфузли шахс бўлган. Бойқаро унга "Амири Кабир", яъни "Улуғ амир" унвонини берган, биласизлар. Демак шоир исмидаги "Мир" сўзи ўша мансаб эгаси эканлигига ишора қилади, шуни англатади. **"Алишер"** унинг асл исми. Алишер шердек жасур, довюрак, қудратли, ислом динидаги 4-халифа Алидек куч-қудрат, иймон ва заковат эгаси деган маъноларни билдиради. Дарҳақиқат, шоир исмида мужассам бўлган ўша сифатларга тўла маънода муносиб эди. **"Навоий"** – шоирнинг тахаллуси. Бу наво сўзидан олинган. Шоир ўз шеърларини ёқимли наво каби ҳар бир ўқувчининг қалбига кириб боришини, уларнинг қалбидан сеҳрли куй каби жой олишини истаб ўзига шундай тахаллусни олган. Навоий исмида бу маъно ҳам ҳаётда ўз исботини топди. Унинг шеърлари мана сал кам 600 йил бўптики, ҳамон ўқувчиларнинг маънавий камолоти учун хизмат қилиб келмоқда. **"Фоний"** тахаллуси шоирнинг форс-тожик тилида ёзган асарларида қўлланилган тахаллус. "Фоний" сўзи ўткинчи, турғун эмас деган маъноларни англатади. Боқий сўзининг антономи. Исломий таълимотга кўра "фано"нинг "бақо"га нисбатан қадри паст. Бунинг замирида шоир туркий тилнинг, шу тилдаги ижод намуналарининг қадрини баланд тутишга бўлган ишорани кўриш мумкин (имҳо).

3. Саховатпешалик. Алишер Навоий катта амир сифатида улкан сармояга эгалик қилган. Дарҳақиқат, Навоий деҳқончилик ишларини йўлга қўйиш натижасида жуда катта даромад кўрган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида эди. Улуғ Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий рисолалар битилишига бевосита сабабчи бўлган. Ҳатто, Султон Ҳусайн Бойқаро ўз қўшинининг таъминотига қийналиб қолганда Навоийдан қарз олгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Умуман, Алишер Навоийнинг бадавлат ва саховатпеша инсон сифатидаги фазилатлари, ўз мол-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

мулкини қандай тасарруф этиши билан боғлиқ хайрли ишлари айрим бизга замондош бўлган кишилар учун ибрат бўлиши керак, бизнинг назаримизда.

4. Алишер Навоийнинг онаси ким бўлган? Алишер Навоийнинг онаси ҳақида ҳеч қандай маълумот бизгача етиб келмаган. Бу ҳам жуда қизиқарли ҳолат. Шундай буюк инсонни дунёга келтирган аёл ҳақида фанда умуман маълумот йўқлиги кишини ажаблантиради. Ҳарҳолда бу тасодиф эмас. Бунинг қандайдир сабаблари бўлиши тайин. Аммо илм аҳли ҳали-ҳануз бу жубоқнинг тагига ета олган эмас. Умуман, Навоийдек шоирни тарбиялаган аёлнинг қандай сифатларга эга бўлгани, фарзанд тарбиясида қандай тамойилларга амал қилгани, албатта, қизиқ ва бунинг оналар учун ибратли томонлари ҳам бор. Бу масалада адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов суҳбатларнинг бирида муайян асосга эга бўлган маълумотни тақдим этган эди: мустақилликнинг дастлабки йилларида Навоийни ўрганувчи гуруҳ таркибида домла Афғонистонга сафар қилади. Илмий жамоа Ҳиротга бориб, Алишер Навоийнинг мақбарасини зиёрат қилади, шу ердаги туб аҳоли билан мулоқотга киришиб, шоир ҳақида маълумотлар тўплайди. Тасодифан, олим Навоий мақбарасига яқин ерда истиқомат қилувчи бир ўспирин йигит билан суҳбатлашиб қолади. Ўспирин домланинг саволларига жуда иштиёқ билан жавоб беради. Домланинг ўспирингa онаси ҳақида берган саволларига йигит лом-мим демайди. Домла бунинг боисини катта кишилардан сўраганда, ўша атрофда ўзининг яқин қариндоши бўлган аёллар ҳақида бегоналарга умуман маълумот бермаслик удуми борлигини айтишади. Шундан кейин домла “Балки Алишер Навоий яшаган даврда ҳам Ҳиротда шундай удум бўлгандир ва шунинг боисидан Навоий ҳеч бир ерда ўз онаси ҳақида маълумот қолдирмагандир” деган хулосага келади.

Умуман, Навоийнинг онаси ҳақида маълумот йўқлигини асослайдиган бундан бошқа асосли маълумот ҳозирча адабиётшуносларга маълум эмас.

5. Навоийнинг “шуҳратсиз”лиги. Юқорида Навоийнинг оламшумул шуҳратини таъкидлаган эдик. Аслида дунё ҳамжамиятида Алишер Навоий ўз иқтидори ва салоҳияти, ижодига яраша шуҳрат топа олган эмас. Асримиз бошларида Россияда “Энг буюк юзталик” рукни остида туркум китоблар нашр қилинди. Ҳар бир китоб “Энг буюк юзта сакарда”, “Энг буюк юзта шоир”, “Энг буюк юзта олим” деб номланади. Энг қизиғи, Навоийдек дунёнинг энг буюк шоири “Энг буюк юзта шоир” китобидан жой олмаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бор рўйхатда, Навоий йўқ. Ваҳоланки, Навоий сон ва сифат буйича шоирлар орасида энг пешқадами ҳисобланади. Нима учун бу рўйхатда Навоий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

йўқ деган табиий савол туғилади. Бобурнинг рўйхатда мавжудлиги, шоҳ ва шоир сифатида у Европа илмий жамоатчилигига яхши маълум. Ҳиндистон Англия томонидан мустамлака қилингач, Бобур шахси ва унинг ижоди инглиз мустамлакачилари орқали Европа ва жаҳон илмий жамоатчилигига маълум бўлди. Навоийда эса мана шу тарғибот бўлмаган. Тарғиботнинг, ташвиқотнинг ва таржиманинг йўқлиги Навоийнинг дунё афкор оммаси олдидаги нуфузига соя ташлаб турибди. Тўғри, кейинги йилларда Озарбойжонда, Японияда ва яна бошқа мамлакатларда Навоийнинг ҳайкали ўрнатилиб, унга ҳурмат кўрсатиляпти. Лекин бу шоирнинг оламшумул шуҳратини таъминлаб бера олмайди. Мана маслан, Ўзбекистонда “Конфуций боғи” очилди. Шу билан Ўзбекистон аҳолиси орасида Конфуцийнинг шуҳрати таъминландими? Йўқ, буни билса, 5-10 фоиз аҳоли билади. Шунинг ун қайсидир давлатларда Навоийга эҳтиром сифатида унинг ҳайкалларини ўрнатиш унинг шуҳратини таъминлаб бера олмайди. Навоийнинг шуҳратини унинг ижоди таъминлайди, унинг асарлари, шеърлари таъминлайди. Қачонки Навоийнинг гўзал шеърияти бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, кўп сонли китобхонлар қўлига етиб борса, ўшанда Навоийнинг шуҳратини бутун дунё эътироф этади. Бу борада эса шу соҳа мутасаддиларининг тизимли ва мақсадли иш олиб боришлари талаб этилади.

Дарҳақиқат, бизнинг бутун дунё адабиёти билан бўйлаша оладиган жуда катта ва кучли адабиётимиз бор. Классик адабиётдан ташқари ҳозирги давр адабиётимиз ҳам жаҳон адабиёти билан бемалол бўйлаша олади. Фақат унинг тарғиботи ва ташвиқоти етарли даражада эмас. Ўзбек адабиётининг жаҳон афкор оммаси томонидан тан олинмаётганинг асосий сабаби шу билан изоҳланади. Ҳозирги шароитда, керак бўлса, ўша бой адабиётимизни, нодир асарларимизни ўзимиз таржима қилиб чет эл китобхонларига етказиб беришимиз керак. Шундагина ўзбек адабиёти дунёга юз тутади, шундагина ўзбек адабиётини дунё эътироф этади.

ХУЛОСА

Алишер Навоий туғилган қутлуғ 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш анъанага айланган. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2021-00153

янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

REFERENCES

1. Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Тазкирату-ш-шуаро”дан) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967.
2. Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макоримул-аҳлоқ (Яхши ҳулқлар) / Форсчадан М.Фахриддинов, П.Шамсиев тарж.; - Т.:Бадиий адабнашр., 1967.
3. Бобур Заҳириддин. Бобурнома / Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. -Т. : O`qituvchi НМИУ, 2008.
4. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: O’zbekiston, 2011.
5. Бойқаро Ҳусайн. Рисола: Девон. – Т.: Шарқ, 1995.
6. Восифий Зайниддин. Бадоеъул вақоеъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норқулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
7. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
8. Сирожиддинов Шуҳрат. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий- типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011.
9. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: O‘zbekiston, 2011.
10. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – T.: O‘zYU Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006.
11. Ҳайитметов А. Темурийлар даври адабиёти. – Т.: Фан, 1996.
12. Алишер Навоий: 1441-1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи / Туз. З.Бердиева, А.Туропова. – Т., 1991.
13. Юсупова Д. Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши. e-adabiyot.uz http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/1045-maqola.html